
БИРЛАМЧИ ТИББИЙ-САНИТАРИЯ МУАССАСАЛАРИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ШИФОКОРЛAR ОЙЛИК ИШ ҲАҚИГА ҚҰШИМЧА ҲАР ОЙЛИК УСТАМА ТҮЛАНАДИГАН ОЛИС ВА ЧЕККА ҲУДУДЛАР РҮЙХАТИ ТАСДИҚЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 сентябрдаги 510-сон қарори билан, Бирламчи тиббий-санитария муассасаларида фаолият юритаётган шифокорлар ойлик иш ҳақига құшимча ҳар ойлик устама түланадиган олис ва чекка ҳудудлар рүйхати тасдиқланди.

Қарор билан, белгиланған ҳудудлар рүйхатидан Сўх туманидаги Янгиариқ, Сариканда, Офтоборў, Навобод, Мулгон, Демурсад, Зангат, Қизилқиёқ, Ҳушёр, Шарқобод, Ленбур, Тул ва Ғазноб МФЙ, Фарғона туманидаги Ёрдон ва Шоҳимардан МФЙ, Тараққиёт аҳоли пункті ҳамда Риштон туманида Чўнғара МФЙ ҳам ўрин олган.

Олис ва чекка ҳудудларда жойлашган оиласвий шифокор пунктлари ва оиласвий поликлиникаларда фаолият олиб бораётган барча шифокорлар ойлик иш ҳақига құшимча 2 миллион сўм миқдорида ҳар ойлик устама белгиланади, уларга ипотека асосида уй-жой сотиб олишда уй-жой қийматининг 50 фоизгача қисми, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 баробаридан ошмаган миқдорда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

Қарорнинг тўла матни <https://lex.uz/pdfs/6200123>

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-09-21 12:47:39